

**Давлат дастурлари асосида амалга оширилган сув хўжалигида капитал
қурилиш лойиҳалари ижроси ҳақида
МАЪЛУМОТ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрдаги “2024–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг тегишли баённомаларига асосан 2024 йилда “Сувқурилишинвест” давлат муассасалари буюртмачилигида 225 та объектда қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш учун 1 607,3 млрд. сўм лимит ажратилган. Жумладан, 167 та ирригация объектига 1 351,0 млрд.сўм, 58 та мелиорация объекти учун 256,0 млрд. сўм.

2024 йил якуни бўйича 225 та ирригация-мелиорация лойиҳалари доирасида 1 607,5 млрд. сўм (йиллик ажратилган лимитга нисбатан 100 фоиз) маблағлар ўзлаштирилди ҳамда 1 569,6 млрд. сўм маблағлар молиялаштирилди.

Жумладан, ирригация объектлари бўйича 1 343,7 млрд. сўм (99%), мелиорация объектлари бўйича 263,8 млрд. сўм (103%) ўзлаштирилди.

Ушбу маблағлар ҳисобига ирригация объектлари бўйича 595,1 км канал, 83,0 км лоток тармоқлари, 44 та гидротехника иншооти, 33,6 м³/с сув чиқариш қувватига эга бўлган насос станциялари, 26,1 км босимли қувурлар, 39 та суғориш қудуғи, 6,1 млн. м³ сув йиғиш ҳажмига эга бўлган сув омбори ҳамда 14,1 км қирғоқ химоя ишлари;

мелиорация объектлари бўйича 225,9 км очик, 106,2 км ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 82 та вертикал дренаж қудуғи, 31 та гидротехника иншооти, 7 та кўприк, 558 та кузатув қудуқларини қуриш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

**Сув хўжалиги лойиҳаларини
амалга ошириш департаменти**